

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамаджанова Нозима Адхамовна

Наманган давлат университети

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

(PhD in English)

Тел:+998913601484

e-mail:mamadjanovozima@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Уибу мақола талим жараёнларида коммуникатив компетенцияниг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қиласди. Коммуникатив компетенция шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Шунингдек, компетенция иқтидорнинг муҳим омили сифатида акс этади. Қолаверса, зеҳни ўткирликни белгилаб беради. Мазкур тушунчани кўплаб нуқтаи назарларга асосланган талқинлари мавжуд.

Калим сўзлар: “Компетенция”, “коммуникатив компетенция”, “социомаданий компетенция”, “фразеологик компетенция”, “лингвистик компетенция”.

ABSTRACT

This article analyzes the specific characteristics of communicative competence in educational processes. Communicative competence describes a person as a whole or his specific characteristics. Also, competence is reflected as an important factor of talent. In addition, it determines mental sharpness. There are interpretations of this concept based on many points of view.

Keywords: "Competence", "communicative competence", "sociocultural competence", "phraseological competence", "linguistic competence".

КИРИШ

XXI асрда дунёning ривожланган давлатларида таълим мазмунини модернизация қилишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида таълимда коммуникатив ёндашувни жорий этиш масаласига асосий эътибор қаратилмоқда. Коммуникатив ёндашув ўқувчиларнинг мактабда олган билим, кўнишка ва малакаларини ҳаёти давомида ижтимоий ҳамда турли вазиятларда амалий қўллай олиш лаёқатини англаради.

Ўқувчи тил қоидасини яхши ўзлаштириб олган бўлсада, бироқ чет тилда гапириш, ўз фикрини сухбатдоши эътиборига эркин ҳавола қилиш малакаси этишмаслиги мумкин. Бу жараёнда тил ўрганувчиларнинг фақат лисоний

салоҳиятини шакллантириш эмас, балки мулоқот компетенциясини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Ўқув материалида келтирилган ахборот ўқувчиларга турли дидактик ўйинлар воситасида шакллантирилса, улар ушбу жараёнга холисона муносабати, дунёқараши, ўз фикрини эркин билдириши ва турли кутилмаган вазиятларда ўзини бошқара олиши, ушбу вазиятга мос жумла ва сўзларни қўллаш имконияти яратилади [2].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бугунга келиб бутун дунёда бўлаётган каби, Ўзбекистонда ҳам таълимни модернизациялаш, ислоҳ қилиш жараёнлари жадаллик билан амалга оширилмоқда. Бу эса халқ таълими тизими соҳасида ижобий ўзгаришларга, таълим сифатини яхшилашга, замонавий технологиялардан фойдаланишга хизмат қиласи. Бугунги кунда таълим соҳасига оид қабул қилинаётган дастур ва қарорларда, бошланғич таълим чет тил ўқитувчилари олдига янги мақсад ва вазифаларни қўйилаётгани, ўқувчиларнинг чет тиллардан бирини мукаммал ўзлаштириши, уларнинг коммуникатив компетенциясини шакллантиришда коммуникатив ва дидактик ўйинларнинг ўқув жараёнидаги роли ва аҳамияти, улардан мақсадли фойдаланиш муҳим эканлиги таъкидланиб келинмоқда. Инсон туғилиши биланоқ атрофдаги воқеаларни идрок этишга, тафаккур қилишга, ахборотлардан унумли фойдаланишга, яратилаётган технологияларни ўзлаштиришга, дунёқарашини кенгайтиришга, зарур билимларни эгаллашга интилади. Ўзлаштирилган билимлардан самарали фойдаланиши эса, тафаккурнинг ривожланганлиги, умуминсоний фазилатларнинг шаклланганлиги, теран фикрлаши ва ҳаракатчанлик каби сифатларга узвий боғлиқдир.

Тадқиқот ишимизнинг асл мазмун-моҳияти ҳам “компетенция” атамаси билан боғлиқдир. “Компетенция” тушунчаси илк бор (1965) америкалиқ тилшунос олим Ноам Чомский (Noam Chomsky) томонидан қўлланган бўлиб, унда асосан она тилида нутқ фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган коммуникатив компетенция деб таърифлаган [4].

“Компетенция” атамаси лотинча *competentia, competo* сўзидан олинган бўлиб, “эришаман”, “мос келаман”, “тўғри келаман” деган маъноларни англатади. “Компетенция” (*Compérence*) сўзи инсоннинг маълум бир соҳада орттирган билим ва кўнікмалар, ақл-идрок, куч-кувват ва тажрибасини намоён қилишни англатади [3].

“Компетенция” атамаси “коммуникатив компетенция”, “социомаданий компетенция”, “фразеологик компетенция”, “лингвистик компетенция” каби

компетенция тарзида кенг қўлланади. Француз гуманист ёзувчиси Антуан Де Сент-Экзюпери айтганидек: “Ер юзидаги энг катта бойлик ва гўзал ҳашамат – табиийки, инсонларнинг ўзаро мулоқоти”дир [2]. Унинг бу фикри дунёнинг йирик руҳшунос ва тилшунос олимлари томонидан кенг эътироф этиб келинмоқда. Мазкур тадқиқот мавзуси ҳам “коммуникатив компетенция” атамасига оид таъриф ва тушунчалар бунга яққол мисол бўла олади.

Энциклопедик луғатларда ушбу атама барча тилларда мазмунан бир хил қўлланиши, яъни французча “communiquer”, русча “общаться”, инглизча “communicate”, немисча “kommunizieren” феъли “мулоқот қилмоқ”, “хабар бермоқ”, “узатмоқ” маъноларини ифодалайди [6].

Компетенция – бу шундай психологик имкониятлар мажмуики, муайян шароитда унда шахсдаги билим, қўникма ва малакалар амалга ошади ва муваффақиятли уйғунлашади.

Бинобарин, “тил” маданият кўзгуси бўлиб, унда нафақат инсонни ўраб турган олам, балки унинг менталитети, турмуш тарзи, анъаналари ва дунёни англаши ҳам кўриниб туради [18;85-б.].

Ушбу тушунча антрополингвистика соҳасида биринчилардан бўлиб америкалик олим Д.Хаймес (Dell Hymes 1927–09) коммуникатив компетенцияни “матнларни тушунишга ва яратишга имкон берадиган қоидалар ҳақидаги билимлар мажмуаси” сифатида талқин қилишни таклиф қиласди. Чет тил таълимида коммуникатив ёндашув жараёнини шаклланиши коммуникатив компетенцияни алоҳида мақомга эга бўлишига сабаб бўлди [4].

XX асрнинг охирларига келиб коммуникатив компетенцияни илмий ўрганишга бағишлиланган илмий мақолалар чоп этила бошланди, ушбу соҳага оид илмий тадқиқотлар олиб борилди. Ҳозирги кунгача «коммуникатив концепция» ни янада илмий-амалий ривожлантириш ва аниқлаштириш давом этиб келмоқда. Уларнинг барчаси турли қарашларга эга бўлиб, нафақат “коммуникатив компетенция” тушунчаси, балки унинг мазмуни, таркибий қисмлари ҳам ўрганилмоқда.

Коммуникатив компетенция тушунчаси бир қанча қўйидаги компетенциялар мажмуига асосланади:

Лингвистик компетенция (Compérence linguistique) - ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда аниқ ва тушунарли баён қила олиш, мавзудан келиб чиқиб саволларни мантиқан тўғри қўя олиш ва жавоб бериш қобилиятидир;[2].

Социолингвистик компетенция (Compérence sociolinguistique)-ижтимоий мослашувчанлик, ўзаро мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш,

жамоавий ҳамкорликда ишлай олиш; мулоқотда сұхбатдош фикрини хурмат қилған ҳолда ўз фикрини ҳимоя қила билиш, уни ишонтира билишdir; [4].

Прагматик компетенция (*Compétence Pragmatique*)- турли зиддиятли вазиятларда ўз ҳаяжонларини бошқариш, муаммо ва келишмовчиликларни ҳал этишда зарур (конструктив) бўлган қарорларни қабул қила олишdir [4].

Шу билан бир қаторда, компетенция атамасини инглиз тилидаги лугавий маъносини таҳлил қилсак, “Competence” сўзи инглизча “*to compete*” сўзидан келиб чиқсан бўлиб, “мусобақалашишоқ”, “рақобатлашишоқ”, “беллашишоқ”деган маъноларини англатади ва сўзма-сўз таржима қилинганда “мусобақалашишга лаёқатлилик” маъносида келади [1].

Бошланғич синф ўқувчилари коммуникатив компетенцияларини шакллантириш ижтимоий мослашишида мухим омил ҳисобланади, чунки нутқ фаолияти турлари (tinglab тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув) такомиллаштириш орқали келажакда улар атрофдагилар билан мулоқот ўрнатишида муваффақиятли ва самарали натижаларга эришади ва ижтимоийлашув жараёни осонлашади.

Чет тилни ўрганишни илк бошлаган ўқувчи/талабаларда нутқий компетенцияни шакллантиришдан бошлашни тақозо этади. У маълум бир тилда мулоқот қилишга, бутун фанни ўзлаштиришга, оғзаки нутқ жараёнларини аниқ вазиятларда намоён қилишга йўналтирувчи кенг имкониятлар хазинасидир” [4].

Турли методик адабиётларда “Коммуникатив компетенция” (*Communicative compétence*) нинг турлича таърифлари баён этилган;

“Коммуникатив компетенция” тушунчаси мукаммал нутқ, мулоқотда нотиқлик санъати усусларини қўллаш, сұхбатдош билан индивидуал мулоқот қила олиш лаёқати ва қобилиятини қамраб олади.

Коммуникатив компетенция - мулоқот ва муносабатларнинг мажмуига эга бўлган мураккаб, кўп босқичли тизим. У бошқа барча компетенцияларнинг асоси бўлгани учун ҳақли равишда етакчи ва пойdevori ҳисобланади, шунингдек, жамиятда ўзаро мулоқотга киришиш учун она тилида ёки бирор хорижий тилни мукаммал ўзлаштириш ҳамда ундан мулоқот жараёнида самарали фойдалана олишdir[5].

Коммуникатив компетенция тушунчаси бир қанча қуйидаги компетенциялар мажмуига асосланади:

Лингвистик компетенция (*Compétence linguistique*) - ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда аниқ ва тушунарли баён қила олиш, мавзудан келиб чиқиб саволларни мантиқан тўғри қўя олиш ва жавоб бериш қобилиятиdir;[2].

Социолингвистик компетенция (*Compétence sociolinguistique*)-ижтимоий мослашувчанлик, ўзаро мулокотда муомала маданиятига амал қилиш, жамоавий ҳамкорликда ишлай олиш; мулокотда сұхбатдош фикрини хурмат қилған ҳолда ўз фикрини ҳимоя қила билиш, уни ишонтира билишdir; [4].

Прагматик компетенция (*Compétence Pragmatique*)- турли зиддиятли вазиятларда ўз ҳаяжонларини бошқариш, муаммо ва келишмовчиликларни ҳал этишда зарур (конструктив) бўлган қарорларни қабул қила олишdir [4].

Шу билан бир қаторда, компетенция атамасини инглиз тилидаги луғавий маъносини таҳлил қилсак, “Competence” сўзи инглизча “*to compete*” сўзидан келиб чиқкан бўлиб, “мусобақалашишмоқ”, “рақобатлашишмоқ”, “беллашишмоқ” деган маъноларини англатади ва сўзма-сўз таржима қилинганда “мусобақалашишга лаёқатлилик” маъносида келади [1].

Коммуникатив компетенция шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Шунингдек, компетенция иқтидорнинг мухим омили сифатида акс этади. Қолаверса, зехни ўткирликни белгилаб беради. Мазкур тушунчани кўплаб нуқтаи назарларга асосланган талқинлари мавжуд. Фалсафада коммуникатив компетенция деганда “ қандайдир усувлар асосида мулокотни амалга ошириш: муаммони ҳал этишнинг янги ечимлари, янги метод ёки восита, янги санъат асари”. Бизнинг тадқиқотимизда нутқнинг моҳиятини тадқиқ этувчи, коммуникациянинг шакллантириш ва барча фаолият соҳаларига доир вазифаларини ҳисобга олувчи коммуникатив компетенция фалсафаси алоҳида аҳамият касб этади.

ХУЛОСА

Психологик нуқтаи назардан компетенцияйлик қўпроқ коммуникатияга умумий қобилиятылилк билан алоқадорликлиқда талқин қилинади. Ҳозирда мазкур атама оригинал ечимларни излаб топиш, ностандарт ҳаракатларни амалга оширишга тайёрлик маъносини ифода этади. Психологияда коммуникативлик деганда “янги муносабат, ечим, методлар, назариялар ёки қандайдир алоқанинг янги маҳсулини ишлаб чиқиши” тушунилади.

REFERENCES

1. Hymes, D. On Communicative Competence. In J.B.Pride and J.Holmes (eds.), *Sociolinguistics*. Harmondsworth: –Penguin, –1972, pp- 269-293.
2. Hymes, D. 1962. The ethnography of speaking, Dans: T. Gladwin and W. C. Sturtevant (dir.), *Anthropology and human behavior*, –Washington, D.C., Anthropological Society of Washington, p.13-15.
3. Lyle F. Bachman, Adrian S. Palmer. ... Fundamental Considerations in Language Testing. Oxford University

4. Common European Framework of reference for language learning and teaching / Draft 1. – Strasbourg: Council of Europe, 1993. p - 204.
5. Абдуллаева М. А. Коммуникативная методика обучения иноязычной грамматике на начальном этапе языкового факультета: Дис. ... пед.ф.н. – Худжанд, 2004. Б. 189.
6. Таджибаева Д.А. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг чет тили коммуникатив компетенциясини шакллантириш: Автореф. Дис.PhD. –Тошкент, –2020.Б- 22.
7. Тажибаев Г.Ш. Бошланғич синф ўқувчилиариға чет тил ўқитишида коммуникатив ёндашув: Автореф. Дис.PhD. –Тошкент, –2018.Б-25.